

№ Саволлар

1. **Савол:**
Қайси ташкилотлар билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда келишилиши лозим? Бунда, айнан қайси ҳолларда мажбурий тартибда келишилиши ҳам очиб берилиши лозим.
2. **Савол:**
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш ва амал қилиш тартибини очиб беринг (*нҳҳ орқага қайтиш кучи, макон бўйича амал қилиши, вақт бўйича амал қилиши, шахслар доираси бўйича амал қилиши*).
3. **Савол:**
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг асосий мақсади? Бунда, мазкур экспертиза қайси орган томонидан ўтказилади?
4. **Савол:**
Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида кўриб чиқиш тартибини очиб беринг.
5. **Савол:**
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси қандай тартибда амалга оширилади?
6. **Савол:**
Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг қандай турлари мавжуд. Бунда, ушбу турларнинг ўзаро фарқини очиб бериш лозим.
7. **Савол:**
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қандай турлари бор ва уларнинг бир-биридан фарқи.
8. **Савол:**
Вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислигини очиб беринг..
9. **Савол:**
Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш қайси босқичлардан иборат?
10. **Савол:**
Ҳуқуқий экспериментнинг тушунчасини очиб беринг.
11. **Савол:**
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши ва орқага қайтиш кучи асосларини очиб беринг.
12. **Савол:**
Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритишда қайси ҳужжатлар тақдим этилиши керак?
13. **Савол:**
Қайси ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳа тайёрланади?
14. **Савол:**
Ишлаб чиқувчининг юридик хизмати томонидан лойиҳанинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш тартибини очиб беринг.
15. **Савол:** Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ҳамда ҳокимларнинг қарорлари ким томонидан ва қайси ҳолатда бекор қилинади?
16. **Савол:** Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар?
17. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қачондан бошлаб кучга киради?
18. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш муддатлари ҳақида маълумот беринг?
19. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати ҳақида маълумот беринг.

20. **Савол:** Адлия вазирлигининг ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?
21. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш (ТСТБ) деганда нимани тушунаси?
22. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш тартибини тушунтириб беринг.
23. **Савол:** Илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан қайта кўриб чиқиш тартибини тушунтириб беринг.
24. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси мазмунини ёритиб беринг.
25. **Савол:** Норматив ҳужжатларга қандай нормаларни киритиш тақиқланади?
26. **Савол:** Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари қайсилар?
27. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланадиган низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатларнинг мазмунини ёритиб беринг.
28. **Савол:** Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида фуқаролар қандай ҳуқуқларга эга бўладилар?
29. **Савол:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш соҳасидаги ваколатларини санаб беринг.
30. **Савол:** Қонун лойиҳасининг концепцияси деганда нимани тушунаси?
31. **Савол:** Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга унинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат бўлган тушунтириш хати илова қилинади. Мазкур тушунтириш хатида қандай маълумотлар ақс этирилиши зарур?
32. **Савол:** Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш деганда нимани тушунаси?
33. **Савол:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этишга доир ваколатларини санаб беринг.
34. **Савол:** Қонун ҳужжатларини тизимлаштириш деганда нима тушунилади?
35. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матнини тасдиқлаш ким томонидан амалга оширилади?
36. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни матнларини юбориш йўли билан тарқатиш тўғрисида гапиринг.
37. **Савол:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги ваколатларини айтинг.
38. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилиш йўли билан тарқатиш нима?
39. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги Қонуннинг асосий принциплари?
40. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати?
41. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш деганда нимани тушунаси?
42. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш тартибини айтинг.
43. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда қонунчиликнинг ҳолатини, қўлланилиш амалиётини, жамоатчилик фикрини ва халқаро тажрибани ўрганиш ҳақида гапиринг.
44. **Савол:** Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш муддатларини айтинг?

45. **Савол:** Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлашга доир ваколатларини айтинг?
46. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назорати?
47. **Савол:** Қонун лойиҳалари (қонун) тузилишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиринг.
48. **Савол:** Қонун лойиҳаси билан бир вақтда қандай ҳужжатлар ишлаб чиқилади?
49. **Савол:** Қандай ҳолатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартишлар киритиш деб эътироф этилади?
50. **Савол:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасининг таққослаш жадвалини тавсифланг?